

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
№1- СОНЛИ КЕНГАШ БАЁННОМА ҚАРОРИ

Тошкент ш.
29 август 2016 йил

Раис – академик Ш.И.Каримов
Котиб - А.Т.Махмудов

Кенгаш раиси академик Ш.И.Каримов қуйидаги кун тартиби асосида кенгаш мажлисини очди:

1. Қабул хайъатининг 2016-2017 ўқув йилига талабалар ва магистрлар қабули бўйича ҳисоботи

Маърузачи – Қабул хайъати масъул котиби И.Х.Мағзумов

2. 2016-2017 ўқув йилида академиянинг истиқболли режалари ва жамоа олдида турган вазифалар

Маърузачи – Тошкент тиббиёт академияси ректори,
академик Ш.И.Каримов

3. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш.

4. Диссертация, монография ва ўқув услубий ишлар мавзуларини тасдиқлаш.

5. Турли масалалар.

Кун тартиби овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кўриб чиқилган биринчи масала: И.Х.Мағзумовнинг маърузаси бўйича қуйидаги қарор қабул қилинди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ: Қабул хайъатининг ҳисоботи қониқарли деб қабул қилинди.

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди.

Кўриб чиқилган иккинчи масала: академик Ш.И.Каримовнинг маърузаси бўйича қуйидаги қарорлар қабул қилинди.

1. 2016-2017 - ўқув йили давомида «CREATING FULL ENGLISH ENVIROMENT» тўлиқ инглиз тили мухитини яратиш

**Масъул - проректорлар, деканлар,
кафедра мудирлари**

Муддат –доимо

2. Электрон таълим тизими тўла жорий этилсин

Масъул - деканлар, кафедра мудирлари

Муддат –доимо

3. Moodle дастури тўлиқ жорий этилсин

**Масъул - проректорлар, деканлар,
кафедра мудирлари**

Муддат –доимо

4. Ахборот ресурслар маркази қошида электрон библиотека ташкил этилсин

Масъул – АРМ бўлими, деканлар, кафедра мудирлари

Муддат –доимо

5. Халқаро илмий, амалий ва инновацион грантларда иштирок этиш
**Масъул – илмий ишлар бўйича проректор, халқаро бўлим,
деканлар, кафедра мудирлари**

Муддат –доимо

6. Электрон дарсликлар, виртуал мультимедиялар яратиш, бош ўқув бинода педагогларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказини такомиллаштириш, унда инглиз тили улушини янада ошириш

**Масъул – педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини
ошириш тармоқ маркази директори,
деканлар, кафедра мудирлари**

Муддат –доимо

7. Маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишда инглиз тили улушини ошириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салохиятини рўйёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш

**Масъул – маънавият-маърифат ишлари бўйича проректор,
маънавият-маърифат бўлими, кафедра мудирлари,
иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими**

Муддат –доимо

8. Профессор-ўқитувчиларни ва талаба ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган ишларни амалга ошириш

**Масъул – маънавият-маърифат бўлими,
деканлар, кафедра мудирлари**

Муддат –доимо

Ушбу қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор О.Р.Тешаев зиммасига юклатилсин.

Қарор овозга қуйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кенгаш раиси, академик



Ш.И.Каримов